- 05.00 М/с. 06.00 М/с. 07.25 «Саша + Маша» Комедия 07.50 «Интуиция». 08.50 «Лотереи. «Первая Национальная» и «Фабрика удачни». 09.00 «Школа ремонта» - «Георгийломы от Паши и Ромы». 10.00 «Битва экстрасенсов». 11.00 «Комеди Клаб». 12.00 «После заката» X/ф 14.00,14.30,15.00,15.30 «Интерны». Ситком. 16.00 «Брюс Всемогущий» X/ф 17.50, 18.30 «Наша Россия». Концерт. 19.00 «Александр» X/ф 22.15 «Дом-2». 23.45 «Убойная лига». 01.00 «Смех без правил».

**Душанба**

07.00,08.30,10.05,17.00,19.00
Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
09.30 «Топ-10»
11.30 «Мы из будущего» X/ф.
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
15.30 Мультфильм
18.30 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
21.00 Сериал «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 Комедия по понедельникам: «ВНУТРЕННИЙ КОСМОС» X/ф.
00.20 Миксер

Семанба

07.00,07.40,08.30,10.30,14.10
17.00,18.10,19.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
09.30 Сериал «Лас Вегас»
11.30 «Внутренний космос» X/ф.
15.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
15.30 Мультфильм
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)

18.30 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
21.00 Сериал «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ВОЛШЕБНАЯ СТРАНА» X/ф.
23.50 Миксер

Чоршанба

07.00,08.30,10.30,13.20,17.00
19.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
09.30 Сериал «Лас Вегас»
11.30 «Волшебная страна» X/ф.
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Кинокурьер»
15.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
15.30 Мультфильм
18.30 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
20.30 M-files
21.00 Сериал «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 Киноколлекция: «ШОУ ТРУМАНА» X/ф.
00.00 Миксер

Пайшанба

07.00,07.40,08.30,10.30,13.30
17.00,18.10,19.00 Ўзбек на-
волари
07.30 Prime time (рус)
08.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»

09.30 Сериал «Лас Вегас»
11.30 «Шоу Трумана» X/ф.
14.30 Премьера (узб)
15.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
15.30 Мультифильм
16.30 «Baby Terra Landiya»
18.00 Prime time (рус)
18.30 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
21.00 Сериал «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «СУИКАСД» бадий фильм
23.50 Миксер

Жумга

07.00,08.30,10.30,13.20,14.30
17.00,18.00,19.00 Ўзбек на-
волари
08.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
09.30 Сериал «Лас Вегас»
11.30 «Суикасад» бадий фильм
14.20 Prime time (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
15.30 Мультфильм
17.30 Премьера (рус)
18.30 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
21.00 «Bollywood Markazida»
22.00 «FIDO» Хинд бадий фильми
00.30 Миксер

Шанба

07.00,07.40,10.30,14.00,16.40
18.10,19.35 Ўзбек на-
волари
07.30 Prime time (рус)
09.00 Мультфильм
11.30 «Fido» Хинд бадий фильм
15.00 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНИЛ ДЕТЕЙ» X/ф.
17.30 «Кулинарный гид»
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «СОКОРОВИЩЕ АМАЗОНКИ» X/ф.
00.00-00.30 «Другое ви-
део»

Якшанба

07.00,11.00,13.30,17.00,18.10
21.00 Ўзбек наволари
09.00 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.30 «Сокровище Ама-
зонки» X/ф.
15.00 Сериал «Жассига ўшаши йўқ»
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
20.30 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «АГОРА» X/ф.
00.20 Миксер

РОССИЯ 2**Душанба**

05.45,10.20,15.20,19.10,23.10.01.50,10.40
Хоккей. ЧМ.
08.00,10.00,13.10,17.40,22.55,01.40
«Вести-Спорт».
08.15 Плавание. Открытый чемпионат России. Трансляция из Москвы.
10.10 «Вести-Спорт. Местное время».
12.30 ЧМ по футболу. «На пути к финалу».
13.00,22.45 «Вести.ru».
13.20 Футбол. Чемпионат Италии.
17.55 Плавание. Открытый чемпионат России. Прямая трансляция из Москвы.
21.40 «Неделя спорта».

Семанба

06.25 «Неделя спорта».
07.30,10.00,13.10,18.20,22.55,01.40
«Вести-Спорт».
07.45,10,15,15,23.10 Хоккей. ЧМ.
12.30 «Скоростной участок».
13.00,18,10,22.45 «Вести.ru».
13.20,21,10 «Моя планета».
14.50 «Рыбалка с Радзишевским».
15.10 «Неделя спорта».
16.10 Проф. бокс. Д. Чудинов против Флавио Кардози. Г. Ка-
симов против Демаркуса Корли.
18.40 Футбол. Премьер-лига. «Спартак-Нальчик» - «Локомотив». Прямая трансляция.

Чоршанба

07.00 «Страна спортивная».
07.30,10.00,13.10,18.55,22.55,01.40
«Вести-Спорт».
07.45,10,15,16,25,19.10,23.10.01.50,04.10
Хоккей. ЧМ.
12.30 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
13.00,18,14.25 «Вести.ru».
13.20 «Моя планета».
14.15 «Рыбалка с Радзишевским».
14.30 Футбол. Премьер-лига. «Спартак-Нальчик» - «Локомотив».
21.45 «Футбол России».

Пайшанба

06.25 «Футбол России».
07.30,10.00,12.40,18.55,22.55,01.40
«Вести-Спорт».
07.45,10,15,15,23.10.01.50 Хоккей. ЧМ.
12.30,18,45,22.45 «Вести.ru».
12.55,16.55 Формула-1. Гран-При Монако. Свободная практика.
14.45 «Моя планета».
15.50 «Футбол России».
19.10 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины. Финал.
21.10 «Моя планета».
21.40 «Футбол России. Перед турном».

Жумга

06.25 «Футбол России. Перед турном».
07.30,10.00,13.10,18.55,22.55,01.40
«Вести-Спорт».
07.45,10,15,16,25,19.10,23.10

Хоккей. ЧМ.

12.30 «Точка отрыва».
13.00,18,45,22.40 «Вести.ru».
13.20 «Моя планета».
15.25 «Футбол России. Перед турном».
21.45 Волейбол.
23.00 «Вести-Спорт. Местное время».

Шанба

07.00 Баскетбол. НБА. 1/4 финала. Прямая трансляция.
09.45 «Рыбалка с Радзишевским».
10.00,11.40,18.40,22.50,01.40
«Вести-Спорт».
10.10,23.00 «Вести-Спорт. Местное время».
10.20 «Будь здоров!»
11.00 ЧМ по футболу. «На пути к финалу».
11.30,22.40 «Вести.ru».
11.55 Спортивная гимнастика. Кубок мира. Прямая трансляция из Москвы.
16.05 «Индустрия кино».
16.35 «Моя планета».
16.55 Формула-1. Гран-При Монако. Квалификация.
18.15 «Моя планета».
18.55 Футбол. Премьер-лига. «Динамо» - «Алания».
21.30 «Моя планета».
23.10,01.50,04.10 Хоккей. ЧМ.

Якшанба

05.15 Проф.бокс. Дмитрий Чудинов против Флавио Кардози
07.00,07.40,10.30,14.00,16.40
«Вести-Спорт».
07.45,10,15,20,23.10,04.25
Хоккей. ЧМ.
10.10 23.00 Вести-спорт. Местное время.
10.20 «Страна спортивная».
10.45 Футбол. Премьер-лига. «Динамо» - «Алания».
12.45 «Рыбалка с Радзишевским».
13.00,22.40 «Вести.ru».
13.20 ЧМ по футболу. «На пути к финалу».
16.15 «Моя планета».
16.45 Формула-1. Гран-При Монако. Прямая трансляция.
19.15 Футбол. Чемпионат Италии.
21.15 «Моя планета».
01.50 Формула-1. Гран-При Монако.

ТАЪЗИЯ!

«Тошкент телеграф-телефон станцияси» фильми жамоаси филиал узатич аппаратлар цехи бошлиги ўринбосари А.ЮСУПОВГА волидай мухтарамаси

Зархो ЮСУПОВинган
вафоти мусобасати билан чукур ҳамдардлик билди-
ради.

ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ

Инновациялар, рақобат ва сифат

(Давоми.

Бошланиши 17-сонда.)

Финляндия почтаси 2007 йил охириларидан почта жўнатмаларини саралаши модернизациялашга инвестиция киритишини бошлади. Бунга асосан янги технология Оулу, Куопио, Тампере ва пойтахт Хельсинкида ўтган йилдан кўлланиляпти. Энди нафакат буюртма хатлар, шунингдек, барча турдаги директ-маркетинг жўнатмалари, оддий хатлар ва баъзи журналлар шу услубда сараланмоқда.

Албатта, замонавий технологияларга бунчалик катта эътибор берилishi бежизга эмас. Негаки, 2011 йилда бутун Европада бўлгани каби, Финляндия почта бозори ҳам эркин бозорга айланади. Табиийки, рақобатчилик кўпайди. Бу жараёнда, айниқса, шаҳарларро хат етказиш соҳасидаги муносабатлар кескинлашиши куттиялти. Яна бир томондан коммуникацияларнинг рақамлашиши, масалан, банк тўловлари ёки коммунал ва ёзако хизматлар учун тўловларнинг электрон воситаларда кўпроқ амалга оширилиши ўз-ўзидан почта жўнатмалари саломига таъсир этмай қолмайди.

Itella Information – ахборот оқимлари ва электрон ҳисоблар бўйича Европада етакчи рациона-



лизатор. Компаниянинг бу йўналишдаги хизматлари молиявий маъмурият жараёллари билан боғлиқ. Европадаги минглаб катта ва кичик компаниялар компаниянинг мижозларига айланышган.

Компания хизматларини бир сўз билан "қоғозидан электрой шаклга" деб атаса бўлади. Яъни, ҳисоблар электрон шаклда етказилиди, сканерланади ва архивланади. Бу хизматларни кўрсатиш учун компания стандарт фойдала-нувчилар интерфејси ишлаб чиқ-

кан. Логотипи электрон формалар, турли мижозлар учун бланк ва штрихкодлар, шунингдек, электрон рақамли имзо хизматнинг айнанлашишига олиб келди. Мижозлар орасида транспорт компанияларининг саломги катта, чунки бу хизмат орқали харидорларга маҳсус ҳомояланган бланклардаги чипталар жўнатиш мумкин. Электрон архивлаштириш эса жўнатилган ҳужжатларни кўздан кечиришга имкон беради. Бу, масалан, мижоз шикоят билан мурожаат қилганда жуда кўл келади.

Мижозлари бизнесини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш Itella Logisticshing асосий шиорига айланган. Шу ўринда юкларни ташиб ва кузатиш, манзилга етказиш, сақлаш хизматларини санаб ўтиши мумкин. Компанияда логистика занжири – товарнинг ишлаб чиқарувидан то охирги исътөмволига етib боришигача бўлган жараённи ўз ичига олувчи комплекс сими мухим ўринга эта. Бу жабҳадаги ечимлар энг замонавий технологияларга асосланган.

Itella логистика марказлари мижознинг бу ортмаси асосида киравчи товарларни қабул қилиб олади ва дунёнинг исталган нуқтасига етказиб беради.

ALOQA OLAMIDA

СМАРТФОНЛАРГА ТАЛАБ КАТТА

2010 йилнинг биринчи чорагида жаҳон mobil телефонлар бозори 21,7 физлик барқарор ўсици кўрсаткичини намойиш этди. Жами 294,9 миллионта телефон аппарати сотилган.

Ўз маҳсулотининг 107,8 миллионтасини сотишга муваффақ бўлган Nokia компанияси ҳамон етакчи – умумий бозорнинг 36,6 фоизи. Таъкибчилар – Samsung 64,3 (21,8 фоиз), LG 27,1 (9,2), RIM 10,6 (3,6), Sony Ericsson 10,5 (3,6) миллионтадан кўл телефони сотишган.

СОЙ ФОЙДА – 2,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Intel корпорацияси жорий йилнинг биринчи чорагини 10,3 миллиард доллар даромад билан якуплади. Соф фойда 2,4 миллиард долларни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига солиширилганда 288 фоиз юқори натижага.

ХОСТИНГ КОМПАНИЯСИГА ХУЖУМ

Энг йирик хорижий хостерлар қатоила турувчи Network Solutionsning WordPress-блогларига йирик киберхужум содир этилди. Шунингдек, компаниянинг бошқа лойиҳаларига ҳам хакерлар жиҳади зарар етказишган.

"Мижозларимиз ўз сайтларида зарарли кодлар пайдо бўлганини бизга мавлум қилишиди. Компаниямиз бунинг учун улардан узр сўрайди", — дея хабар берган компания мағбуот котиби Шаси Белламконда.

ALSKOM
суғурта компанияси
жамоаси

Барча алоқачиларни
касб байрамлари билан
чин дилдан кутлайди.



Азиз алоқачилар!
Байрамингиз қутлуғ бўлсин.
Соҳани ривожлантириш йўлидаги
масъулиятли меҳнатларингиз
роҳатини кўриб юринг!

**"Ўзбектелеком" АК
“ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Барча ҳамкасларини
АЛОҚАЧИЛAR БАЙРАМИ
билан қизғин қутлайди.**



Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
омад ва баҳт тилаймиз.

**Жонажон юртимизда
ДОИМО ТИНЧЛИК ҲУКМ СУРСИН!**

Сизларга забасим келди

Юрга ёв бостириб келгани ҳақидаги хабар ҳарбий хизматтн тутатиш арафасида турган аскарлар күнглини ғаш қилиб қўйди. Улар уй соғинчи, уч йилдан сўнгти дийдорлашув хаёли билан банд эди. Начора, эл бошига иш туши. Ундан бўйин товлаб бўймади...

Дўстлари қатори Қобилбой ҳам тақдирнинг “кора эшиги” остановиса чукур ўйга толди. Беихтиёр “Нашотки туғилиб ўсган қишлоғим — Пашхўрдни, ота-онам, ака-укам ва опа-сингишларимни кўриш энди насиб этмаса! Бу не кўргулек бўлди” деб қўйди. Аммо қозоқ дўсти Алдасбойдек йилгамади. Қаддин тик тугиб, шашт билан жангчи шинслини қўйди.

Одессага яқин жойда — Қора дентиз қўйнида “қанот” ёйган кема майдонига қиувчи самолётлар бирин-кетин кўниб турибди. Унинг бортига бомба жойлаш кечаги аскарлар зиммасига юклантан. Жанговар топшириқнинг илк соатлари нақадар оғир кечарди. Қобилбойнинг дўстлари тезкорлик бобида бир-биридан қолишишади. Барibir тиш-тирногигача куролланган душман Севастополга тобора яқинлашиб келарди.

Кутилмаган ҳолат ҳаммани талвасага солиб қўйди. Шундай бир қалти паллада Қобилбойнинг кўлига пулемёт тутқазилди.

— Ўзингни маҳкам тут, доимо бардам бўл, — деда тайинлади командир. — Олга сильхишимиз кўп жиҳатдан сиз пулемётчиларнинг ҳаракатингизга боғлиқ.

Тун тинчини яна душманнинг жирканч “назраси” бузди. Қиувчи самолётлар ташлаётган снаряд жойда гоҳ олов, гоҳ қора қуон кўтирилади. Танклар ўз дастидан ажал уруғини соғчани етмагандай, душманнинг зирҳли куролидан ўтёмири тинмасди. Шу чоғ пулемётчи Қобилбой Абдулазизов мухим жанговар топшириқ олди. “Максим”ни айтилган ерга жойлади. Сўнгра топшириқда биноан, мўр-малаҳдай босиб келаётган душманни қалғитишига киришиди. “Максим” чамаси ярим соат тинмай “сайради”. Грузин фарзанди Владзе ҳам ёрдамчилек бурчани аъло даражада бажарди.

Куролдошлар дениз бўйига йигилишганида тонг ёриша бошлади. Ана шунда вайрон қўлинган шаҳарни қуюқ тутун қоплагани билинди. Порохларнинг аччиқ хидо димоқга урилди. Энг ёмони, куролдошлар қатори сийраклашиб қолгани Қобилбояга қаттиқ таъсир қўйди. Начора, бундан бешолти соат иллари ёнингда турган биродаринг энди йўқ! Уруш омонсиз кечмас деганлари шу бўлса керак?! Ўша кўнглига қил сифмаган паллада қаҳрамонларча ҳалок бўлган Сергей, Акопян, Шодиев каби



дўстлари учун душмандан ўчишга қатъий аҳд қўйди.

Жангчи Қобилбой Абдулазизовнинг фронт йўлида яёв босган масофасини сархисоб қўлсан беш-олти минг чақиридан сўзлайди. Агар сафарнинг ҳар қадамида хатар кутиб турганингини ҳисобга олсан, ўша рақам икки баравар кўпайтирилса арзиди. Зотан, собиқ жангчи боболаримиз бутунги дориломон кунлар ҳаққи, ҳар қандай машаққатни сўнгизга эришишган. Чарчаш нималигини билишмаган. Йўл азобларига бардошли бўлишган.

— Немис-фашистлари чекиниб бораётган бир чорда Аналага яқин ўрмонзорда қолиб кетдик, — деди Қобил бобо. — Биз турган манзилда яқин на қишлоқ, на шахар бор. Бунинг устига алоқа узилган. Егуликка ѡч нарса қолмаган. Ана шунда эман дараҳти ятробини қайнатиб жон сақлаганимиз. Бундай қийинчиликни биз кўрдик болаларимиз кўрмасин.

Ғалаба ҳақидаги хушхабарни Болтиқбўйи мамлакати Латвияда эшилди. Ўшандада унинг кунончини таърифлашга тил ожизлик қиласди.

Шундай қилиб, Қобилбой Абдулазизовга туғилиб ўсган юрги — Шеробод туманинг Ҳўжанқа, Кизилола қишлоқлари каби Пашхўрда қишлоғига қайтиш ва қавму қариндошлари билан юз кўришиш насиб этди. Ҳаммаси ниятта боғлиқ деганлари рост экан. У фронтта кириш чори асло ёмон фикрордади. Балки орзу-умид билан яшади. Алқисса, мурод-мақсадига етди. Оила куриб, фарзанди ва невара-чеварали бўлди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Шеробод туманинг Ҳўжанқа, Кизилола қишлоқлари каби Пашхўрда ҳам кўплаб оиласа янги туман Анторга кўчиб келишиди. Карвонда Абдулазизовлар оиласи бор эди. Қарийб 60 йил бўлмоқдаки, улар шу юртда тинч-тутуб ви фаровон яшаб келишмоқда. Қобил бобо тинч курилиш йилларида ҳам ёшларга ўрнак кўрсата олди. Антор почта алоқаси тармоғида 30 йил хизмат қили. Биринчи гуруҳ уруш ногирони бўлишига қарамасдан, Корасув қишлоғини қадамба-қадам кезиб элга хат-хабар, газета-журнал ва бошқа жўнатмаларни ўз вақтида етказиб турди.

... Иккинчи жаҳон урушининг 1-гурӯҳ ногирони, алоқа соҳаси фаҳрийси Қобил бобо Абдулазизов Фалабанинг 65 йиллиги олдидан шода-шода орден ва медаллар билан безсанг костюмини кийиб хузуримизга келди. Ана шунда “Кўксингизга келар ҳавасим” деган бир ширин тутуғ қалбимда жўш урди. Бу бежиз эмас. Ярқираб турган орден ва медаллар замонида босиб ўтилган машаққатли фронт йўлидаги жасорат рамзи мужассам! Қолаверса, бу шодалар бугунги олтинга тенг, тинч ва баҳтиёр кунларимизга алёрлар айтиб турибди.

**Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбари**

Иккинчи жаҳон уруши пайтида мамлакат ичка-рисиди филодиларча меҳнат қилиб, фашистлар Германияси устидан қозонилган галабага муносиб хисса кўшганлардан бирни Тошкент радиотелевидение узатиши маркази собиқ ходими, меҳнат фаҳрийси Манифа опа Мирзаҳакимова истикомат қилаётган хонаонга борганимизда анча кексайб қолган аёл билан учрашмариз деган фикрда эйик. Ахир, меҳнат фаолиятига уруш йилларида бошлаб, то 1987 йилгача эл хизматига камарбаста бўлиш, ҳаётнинг кўплаб қийинчиликларига бардош бера олиш ҳар қандай одамни чарчатиб қўйини табиий.

Лекин бизга қадди анча тик, оппоқ рўмоли остидан кўринниб турган кумушранг сочлари ўзгача улуғворлик баҳш этган, юз-қўлларидан дилга хуш ёқувчи самимият ва меҳр таралиб турган онахон пешвоз чиқди. Манифа ая бизни, айнича, узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкаси би Рудольф Турсуновни кўриб бехад яйраб кетди. Қўлларини фотиҳа очар экан, узоқ дуо қўйди: юрта тинчлик-осоишштади, эл дастурхонига тўкинилек, одамларга ўзаро меҳр-оқибат тилади.

Машаққатфак кейинни роҳам



1924 йилда узоқ Уфа шаҳрида туғилиб ўсган Манифа опани тақдир чархлаги Үзбекистонга келтириб ташлади. Пойтахтимиздаги мактаблардан биррида тълим олган имлга чанқоқ қиз дастлаб Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги билим юртида ўқиди ва эталлаган соҳаси бўйича ишлай бошлади. Лекин кўп ўтмай ишидан кўнгли совуди.

— Ҳар бир инсон ўзини қизиқтирган қасби бўйича ишласагина муваффақиятларга эриши мумкин экан, — деди Манифа ая. — Болалигидан алоқа соҳаси қизиқар, радио жону дилим эли. Лекин ўсмирилгитм уруш даврига тўғри келганларги боис нимага қизиқишим ҳақида ўйлаб ўтиришга ҳам имкон йўқ эди. Қаерда бўлса-да ишлаш, ҳам оилага, ҳам юрги учун жон олиб, жон берадётган ота, акаларимизга ёрдам бериш зарур эди. Уруш тутагач, Тошкент алоқа политехникумда таҳсил олдим. Үқишимни тутабиб, Зангигатдаги 3-радиостанцияда техник вазифасидан иш бошладим. 1957 йилдан Тошкент телемарказига катта техниклик вазифасига ишга ўтдим. Биласизим, севимли соҳада ишлаш инсонга куч-кувват ва илҳом берар экан. Корхонамдагилар билан қадрлонлашиб кетдим. Улар пенсияга чиққанимдан кейин ҳам соғинини келиб туришади. Бирор байрам йўқки, радиотелевидение узатиши маркази раҳбарларидан байрам табриги олмаган бўлсам. Яқинда цех бошлиги Илҳом Мирсадиков ҳамда ходимлар бўлми мухандиси Вероника Орловалар уйимга келишиди. Кўриб шундай хурсанд бўлдимки, асти кўйверасиз. Биз фаҳрийларнинг яйраб яшашимиз учун барча шароитларни яратиб берадётган хукуматимиздан алоҳида миннатдорман.

Манифа ая Үзбекистонда ҳақиқий баҳтини топди — ҳам ўзи севган қасбининг устасига айланди, ҳам ўзбекнинг жўмари ўлони, ўйлаб ихтирочилик тақлифлари муаллифи, алоқа соҳасининг билимдини Фоур ака Мирзаҳакимов билан қадрлон корхонасида танишиб, турмуш курди. Ёқубжон, Зарифа ва Замира исмли бирни бирдан ақдли, эл иши учун фидойи фарзандларни тарбиялаб бояга етказди. Уларнинг учаласи ҳам Тошкент политехника институтини тутагишиган. Онахоннинг уч нафар набириса эса буви ва бобо қасбини танлашган — алоқачи. ТАТУнинг сўнгти босқичида ўқиётган Наргиза Умарова, айнича, бувижони синга меҳрибон, ҳар бир ишида бувиси билан маслаҳатлашиб, ўтиларига амал қиласди.

Ҳа, фаҳрийларимиз бизнинг бебаҳо бойлигимиз. Уларнинг бой ҳаётӣ тажрибаси, юрги учун фидойилиги ёшларга ибрат бўлиб хизмат қиласевади.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Хорж мезфи

Армонли йиллар

Жанглар ўтиб кетди. Урушдан омон қайтган баҳти борлар эса Ватан учун, унинг қадини тикилаш учун туни кун меҳнат қилдилар. Нуроталик Музроб ота Абдураззоқов ани шундай Ватан фидойиларидан бири. "Ўзбекистон почтаси" ОАЗ Навоий филиали Нурота тумани почта алоқаси тармоғи бошлиги Саодат Омонова билан биргаликда отахоннинг сұхбатини одилк.

Ўн саккиз ёшли жанчиги

Нурота юртимизнинг табаррук ва муқаддас гүшаларидан бири. Музроб Абдураззоқов ани шу заман фарзанди. У 1924 йилда Тиконил қишлоғидаги туғилган. Қишлоқ мактабининг еттичини синфини тугатиб, колхозда энди иш бошлаган йиллари маштум уруш бошланниб қолди. Оқ-корани энди таниётган ўстририй йигит урушга отланди.

Қишлоғдан нарига чиқмаган ёш ийттага Россия ўрманинда тунда эмаклаб юриб, кундуз душман ўқига нишон бўлмаслик учун ўқи-милирлари остида нафас чиқармай ётиш даҳшат эди. Иккичи қунданоқ машгулутлар бошланди. Болтиқбўйи Фронтидан бошланган хатарли сафарининг дастлабки ойларда машқандарни пухта эгалашди. Жанговар вазифаларни бажариш бошланди. Дастлаб портуплатичларни ташниш тушириш билан шукулланган жангилар осмонига ўрганинг олов даҳшатларига ўрганиб, жантага кириб кетдилар.

— Қандай бўлмасин, бизнинг дивизиямиз беландликни фашистлардан тортиб олиши зарур эди, — деда эслайди Музроб ота. — Кам йўқотиш билан максадга эришиш ўйли қидирилди. Ёш ва жасур, тажрибали йигитлардан изборат маҳсус баталон ташкил қилиниб, мен ҳам бу сафга киритилдим. Тегаликни ишғол қилиши операцияси амалга оширилди. Тунги соат учларда эмин-эркин ечи-

ниб, дам олаётган немисларни тор-мор қилидик. Зарур бўлган мардаг қўлини киритилган эди. Тонгда эса яна ҳужум, яна янги жанглар бошланди. Бизнинг қўшишларимиз душманинг ўтиш нуқтагари ва кўчаларда ўрнатган тўсисларини бирма-бир йўқ қилиб, катта дарё соҳилига яқинлашади. Ана шундай шиддатли ва тинимизсиз жангларнинг бирила елкамдан яраланди.

Гостипатда 2 оётиб яна баталионга қайтдим. Жангларда тўрт марта ярадор бўлдим. Яралнамаган, осколка тешиб ўтмаган оёқ қўлим, елкам қолмади. Ҳар гап яралнганимда тезроқ ўзимга келишга, оёққа туришга ҳаракат қилидим. Смоленск, Витебск, Минск, Ленинград, Калининград ва бошқа қатор шаҳарларни немис фашистларидан озод қилинча иштирок этдим. Қачна-қачна даҳшатни воқеалар, кексалар ва болаларнинг қўйинларга солиниши ҳамон кўз ўнгимизда туриди. У кунларни эслаш жуда ҳам оғир...

Кўксим тўла орден, медал. Лекин йиглайман...

— Урушдан омон қайтдим. Кейинги очарчиликлар ҳам оғир синов эди. Амаким Ҳасан Умрзоқов урушда ҳалок бўлиб, унинг болаларига ғамхўрлик қилиш, уруш жароҳатларини кўтаролмай оламдан ўтган акам Мансур Абдураззоқовнинг ҳам ҳимояга муҳтоҳ болаларига паноҳ бўлиш осон эмасди. Ҳуллас, уруш азобини тортиган 7ta оиласга бош бўладиган ягона эррак ўзим қолдим. Фашистларнинг қанчанча даҳшитийларини, жонимдан ўтган азобларини кўрдим. Аммо кўз ёш тўкмадим.

Кўксим тўла ордену медалиар. Аммо ота деган буюк шодлиниң ҳаётидан қолиб олган уруш аламларини ҳамон унтуломаган қонюшларим-қариндошларим армонлари менинг миёнларатади.

Ха, у қадрлон Тиконил қишлоғидаги яралнган оёқ, чандик бўлса ҳам бутун кўл, ўқ парчалари қолган бўлса ҳам мағ-



рур елкалар ва энг мухими, ёргу юз билан қайтди. Урушдан кейин мамлакат ҳолдан тойлан, ҳар бир ишчи кучи сувдек, ҳаводек зарур бўлган йилларда у биринчи гурух уруш ногирониман, деб қараб ўтирумади, колхозда ҳисобчига ёрдамни бўлиб ишлади.

Ҳаёт давом этарли. Музроб Абдураззоқов уйларидан. Айло унга саккиз фарзанд берди. Санобар ая билан тўрт ўйл, тўрт қизни тарбиятаб юяга етказиши. Бутун 42 невара, бир этак чеваранинг эъзози, айлорида умр кечирмоқда. Улар билан бирга Санобар момонини ёрқин хотириасини ёлла, энг оғир дамларда сунгичи бўлган у азиз инсоннинг руҳин шод қиласи.

— Ўғилларим Абдукамол, Абдуҳамид, Абдусолик, Абдувоҳидларинг барчасини олий маълумотли бўлиши учун жон кўйидирдим, — деди ота. — Барчаси эл корига ярайдиган фарзандлар бўлиб етишиши. Катта ўзим Абдукомил узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб, ҳозир нафақада, Абдуҳамид ва Абдувоҳидлар Самарқанд мармар акциздорлик жамиятида меҳнат қилишида. Абдусолик эса Кўктекла алоқа бўлими бошларни сифатида элга хизмат қилимоқда. У менинг ишмени давом этираётпанилигидан мамнунман.

Иброҳим Исомитдинов 1922 йилнинг 25 октябрида Марғилон шаҳрида дунёга келди. Онаси Зебинисо ва отаси Мамасидиқ акалар унга гўзал тарбия беришига ҳаракат қилиди. Мактабни 1940 йилда аъло баҳолар билан тутаган Иброҳим ака ўша вақтда ўқитувчиларни ётиш-маслиги сабабли ўзи тутагланган ўрга мактабда ишга олиб қолиниб, бошлангич синфларга дарс бера бошлади. Иброҳим аканинг орзуси келажакда олий ўқув юртаги кириб, тарих фани асосларини ўрганиш эди. Афсуски, 1941 йилнинг 22 июнида фашистлар томонидан бошланган уруш унинг орзулиарни чилпарчин қилиди.

Иброҳим ака 1941 йилнинг 7 декабрида ҳарбий хизматга чакиририлб, Фарғона шаҳрида ташкил этилган 94-ўқчи ҳарбий қисмга тушди. Тўққиз ойлик ҳарбий тайёрларликдан сўнг, 1942 йилнинг қарҳатон қишида жанговар ҳарбий қисм таркибида Сталинградга жўнатилди. У уруш йилларини эслаб шундай дейди:

— Замбараклардан отилиб чиқиб, темирни ҳам эртиб юборадиган ўқи-милири ва ҳар жабхада Ватанини эсанда чиқармасдан душманга зарба бериши иштиёқи бизни олга бошлар эди. Сталинград жангидаги 300 мингдан ортиқ немис ҳарбийлари аскарларимиз томонидан куршаб олини. Немис ҳарбий қўмандони ўз аскарларини кўткариб қолиши учун жуда катта ҳарбий кучларни, минглаб танк ва самолётларни ва урушда кучли тажрибага эга бўлган ҳарбий қисмларни, машҳур қўмандонларни жалб этган эди. 1942 йилнинг қарҳатон қишида ҳар қандай азоб-укубат, қий-

Инсоф ва диёнат бор жойда барака бор

Бу ақидани ҳаётнинг ўзи исботлаб туриди. Музроб ота қаерда ишламасин ҳақиқату динната суниди, адолат ўринашга ҳаракат қилиди. Чуя қишлоқ кенгашидаги бир неча ийл котибик қилиди. Ҳуснинатига ҳозир ҳам ҳавас қилишиади. Узи лотин алифбосида ўқиган бўлса ҳам кирили ёзувини қўйилмақом қилиб ёзидиган бу хаттон ётсан туғилиш гувахномалигини кўрган қўзлар ҳозир ҳам кувонади.

Музроб Абдураззоқов алоқа соҳаси фидойиси. У етмишини йиллардан нафакатга чиққунга қадар Нурота туман почта алоқаси тармоғи "Кўктекла" алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлади.

Бу кунларга етганлар бор

Етмаганлар бор... Севимли шоиримизнинг ушбу сатрлари барчамизга шукрондик маддияси каби ёд бўлиб кеттан. Музроб ота ҳам қонли уруш чангалидан омон қайтоб ёргу кунларга етганига минг бор шукр қиласи. Асли чавандозлар автолидан бўлган бу отахон боболар антасини давом этириб, майдондан от чопган. Неча бор рақибларини доғла қолдиган, голиблик шоҳсупасига чиқкан.

Отахон айни кунларда тўлкиниланниб, юраги қувончларга тўлиб юриди. Президентимизнинг Иккичин жаҳон урушида қозонилган Фалабабанинг 65 йиллиги нишонланиши мунносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини майдонада рағбатлантириш тўғрисидаги фармони унинг ҳам кўнглини кўтарди.

Музроб ота яхши инсонлар қадрнини яхши билди. У почта соҳасидан нафакатга чиққанинга 25 йилдан ошган бўлганига қарашмай, бу соҳани ҳам, унинг жонқутиларини ҳам унтумайди. Музроб ота каби фидойи ва оддий одамларнинг умрига умр кўшилсин. Тинчлигимиз устуналари учун тўклиганинг мукаддас қон, ярадор қўлу ёқлар, жароҳати юраслар, ярим бўлиб қолган кўнгиллар учун биз улардан меҳр ва фахр қарздормиз, уларга таъзим қиласи.

**Marusya XOSILOVA,
"Xabar"ning
Навоий вилоятидаги мухбири**

Ватанга тузаббат таъзуси

инчиликларга бардош берган 94-ўқчи бригада ҳарбийлари ичиди ўзбек юртаги кўпчиликни ташкил этар ҳарбий қисмидан қатта дарё сунгичи қолиши эди. Ҳарбийлар жон-жаҳди билан астойдил ҳаракат қилиб, жангларда ўз маҳоратларини унтумай этга.

1944 йилнинг май ойида қўмандонлик бўйруги билан Уфа шаҳрига ҳарбий ўқув юртаги юборилди. Иккичин жаҳон уруши тутаганидан сўнг, 1945 йил октябр ойидаги ҳарбий хизматдан озод бўлиб, Ўзбекистонга қайtdi. Она юрт нафасидан мириқиб, урушдан эсон-омон қайтганлигидан шукр қилиб, тинч-осоишига ҳаёт нашъасини суро бошлади.

Келажакка бўлган интилиш, ҳаёт билан ҳамнафаслик туйғуси Иброҳим ака 1947 йилда Тошкентдаги олий партия мактабига етаклади. Ва уч йил мобайнида ушбу мактабда ўқиб, меҳнат кучогига қайtdi. Иброҳим ака илмга интилувчанини сабаб олий партия мактабидаги таҳсил ола туриб, экстрен кўринишида Тошкент педагогика институти тарих факултетини ҳам (1948-1949 йил-

ларда) тутаган. 1992 йилгача Олий партия мактабида тингловчиларга таҳсил берган. 1992 йилдан 2005 йилгача Тошкент ахборот технологиялари университетидаги тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Домла Иброҳим Исомитдинов тарих фанлари номзоди, доцент унвонига эга.

Тошкент ахборот технологиялари университетидаги ташлаган вақтида Иброҳим ака жамоат ишлаб, маънавият соатлари ва кунларидаги фаол иштирок этар, Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг мазмун-моҳиятини маҳорат ва аниқ воқеиликлар билан боғлаб, тингловчиларни лол қолдирар эди. Айрим вақтдаги машгулотларда талабалар вақт ўтганини сезмай, сухбат бўлганини афсуланиб қайд этар эдилар.

Иброҳим ақадан армонингиз борми деб сўрасангиз, "Армоним ушалган, биз истиқололга эришидик, тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган жанната" мазмундаги 1947 йилдан ойида Иброҳим ака жамоат ишлаб, тингловчиларни сабаб олий партия мактабидаги таҳсил ола туриб, экстрен кўринишида Тошкент педагогика институти тарих факултетини ҳам (1948-1949 йил-

ларда) тутаган. 1992 йилгача Олий партия мактабида тингловчиларга таҳсил берган. 1992 йилдан 2005 йилгача Тошкент ахборот технологиялари университетидаги тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Иброҳим ақага умрингиз узоқ бўлсин, фарзандларингиз роҳатини кўрининг деймиз.

**Нематилла МУМИНОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети профессори**

**“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА
ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билин чин дилдан
муборакбод этади.



Ушбу шукухли кунларда
сизларга энг эзгу
тилакларни йўллаймиз.

Юртимиз гуллаб-яшнайверсин!

**“O’ZIMPEKSALOQA” YAJ
ЖАМОАСИ**

Барча ҳамкасларини

АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билин/қизғин табриклайди.

Азиз алоқачилар!

*Ватаниниш гуллаб-яшнайи
йўлидаги эзгу ишларингизда
улкан мувваффақиятлар тилайлиш.*



Эзгу орзуларингиз ушалаверсин!

**“РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА
БОҒЛАМАСИ” ДУК ЖАМОАСИ**

Барча алоқачиларни
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билин чин дилдан
кутлайди.

Азиз ҳамкаслар!
Сизларга соғлиқ-омонлик
тилаган ҳолда келгуси
ишларингизда мувваффақиятлар
ёр бўлсин деймиз!

**“ИМПУЛС АУДИТ” МЧЖ
ЖАМОАСИ**

Бетакрор Ўзбекистон
заминида меҳнат қилаётган
барча алоқачиларни
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билин табриклайди.

Ҳаётнинг ҳар бир қувончли лаҳзаси
Сизни бебаҳра қолдирмасин!

DZYUDO

**РИШОД СОБИРОВ
МАЙ ОЙИДА
ИККИНЧИ**

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) май ойидаги дунёнинг энг кучли дзюдо чинлари рейтингини ўзлон қилди. Унга кўра, 60 кг вазн тоифасида кураш олиб борадиган спортчимиз – Ришод Собиров 946 балл билан иккичи погонани банд этиб турибди. 90 кг вазнданги вакилимиз Дилшод Чориев эса 914 балл билан учинчи погонадан жой олган.

BOKS

**ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИ
ЯКУНЛАНДИ**

Боку шаҳрида ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати якунига етди.

Унда иштирок этган терма жамоамиз аъзоларидан уч нафари медалларни кўлга киритди. Аҳмад Мамажонов (69 кг) ва Сардорбек Бегалиев (81 кг) кумуш медалга эга бўлган бўлса, Зоҳиджон Хурбоев (48 кг) бронза медали соҳиби бўлди. Боксчиларимизнинг ушбу муваффақияти уларга Сингапурда ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйнларида иштирок этиши хукуқини берди.

MINI-FUTBOL

“АЛОҚАБАНК” – ГОЛИБ!

Ўзбекистон алоқа ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Кенгашининг 2010 йил Кўчма кубоги учун футзал бўйича Хоразм вилояти алоқа корхона ва ташкилотлари ўртасида 1-босқич мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада жами еттита – “Хоразм Телеком” филиали; “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали; вилоят “Матбуот тарқатувчи” ШК; Хоразм радиотелевидение узатиш маркази; ТАТУ Урганч филиали; ОАТ “Алоқабанк” Хоразм филиали ҳамда “Ўздинробита” хорижий корхонаси филиали жамоалари иштирок этиши.

Кескин курашлар остида ўтган мусобақада куйидаги жамоалар совринли ўрнларни банд этиши:

I ўрин: “Алоқабанк” Хоразм филиали.
II ўрин: “Ўздинробита”.
III ўрин: ТАТУ Урганч филиали.

Мусобақа якунидаги вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба ўюшмаси кўмитасида раиси З.Бобоҷонова фахрли ўрнларни эталлаган жамоаларга ёсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топшириди.



«УНИВЕРСАЛ» ўрнига ТАТУ

Шу йилнинг 23-30 май кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» ва «Универсал» спорт мажмулари футзал бўйича нафбатдаги Осиё чемпионатини кабул қилиши керак эди. Бироқ спорт саройларидан бири – «Универсал» ўрнига бошқа спорт зали таҳланди. Энди мусобақалар «Ўзбекистон» саройи билан бирга Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида ўтадиган бўлди.

FUTBOL

25 май: АРМАНИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон терма жамоаси май ойининг сўнгига бир нечта ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштираётган эди. Грузия ва Эрон билан режалаштирилган баҳслар бўйича якуний келишувга келинмади. Арманистон терма жамоаси билан учрашув 25 май куни ўтказилди. Мазкур баҳс Арманистон пойтахти Еревanda бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қўладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш хукуки учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 421-қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги башкарув тизимини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензияларни таомиллаштириш тўғрисида низом”нинг 45-бандига асоссан:

“ANGRENNING CHEXRASI” маъсулития чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) теледастурлар тарқатиши тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001941 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 1 майдан 10 иш кунига тўхтатиди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензияларни таомиллаштириш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:

“RADIOALOQA, RADIOESHITIRISH VA TELEVIDENIE MARKAZI” давлат унитар корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензияларни таомиллаштириш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002392 рақамли;

“PREMIUM MEDIA GROUP” маъсулития чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий тармоқларини лойихалаш, куриш, фойдаланиши ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002091 рақамли;

“JURAQL MIROB” сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг (Навоий вилояти) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002710 рақамли;

“BO’STONLIQ INTERNET SERVICE” маъсулития чеклан-

ган жамиятнинг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ маълумотларни ўзатиш тармоқларини лойихалаш, куриш, фойдаланиши ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002069 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 10 апрелдан;

“Саноатпавандлар” маъсулития чекланган жамиятнинг (Сурхондарё вилояти) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001876 рақамли;

“Алоқа хизмат нури” хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ;

-маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002271 рақамли;

-шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002272 рақамли;

-хизматларни таомиллаштириш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002273 рақамли;

“РОУТАХТ ТЕЛЕКОМУНИКАСИЯ” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002454 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 4 майдан тутатиди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензияларни таомиллаштириш тўғрисида низом”нинг 23 ва 52-бандларига асосан “F AND L-LINE” маъсулития чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш, куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002929 рақамли лицензия 2010 йил 4 майдан бекор қилинди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбектелеком” АҚ “Қашқадарё Телеком” филиали жамоаси Шахрисабз телекоммуникациялар бөлгамаси муданиси Рагаб ЗРГЛПШВИ 60 ёни билан муборакбод этиб, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОДЖ Фарғона филиали жамоаси Кўкон почта алоқаси тармоғи ходими Зокирхон ҲАСАНОВни 60 баҳори, Фуркат, Тошлок, Янгиёргон, Водил почта алоқаси тармоқлари ходимили Ақсарой МАМАТОВ, Расуловон ҲАСАНОВ, Йукбонж ҲУРАЕВ ҳамда Мунисон УМРЗОҚОВларни 50 баҳорлари билан чин кўнгилдан муборакбод этиб, уларга мустаҳкам саломатлик, фарзандлар фарғатини кўриб яшашликни тилайди.

Ўзбектелеком” АҚ “Сирдарё Телеком” филиали Гулестон ШТБ жамоаси боғлами телеграф бўлими бошлиги Диором МАВЛЯНОВИ 50 баҳори қарши оләётганлари билан чин дилдан кутлауб, унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар баҳту иқболини кўришликни тилайди.

Спорт

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИДДИНОВ

(Ҳайъат ранги)

Асаджон ХЎЖАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шухрат СОДИКОВ

Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ

Сувон НАЖБИДДИНОВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содикжон ҚОСИМОВ

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъуль котиб)

—♦—

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шемченко кўчаси, 17-й.

Тел: 233-36-48; 233-86-20,

236-35-29.

Факс: 236-36-42.

E-mail: info@xabar.uz

Таҳририята келган кўлезма ва сурʼатлар эгалари кўйтарилилмайди.

Муаллифларинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланниши мумкин.

Наҳримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганилиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-й.

G-402 сонли буортма.
Офсет усулида босилди.
Коғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоб.

Адади: 16940 нусха.

Бахоси келишишган нарҳда.

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилида ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

2 3 4 5

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ жамоаси

Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
республикамиз ахолисига
энг эзгу тилакларини йўлайди.

Боболардан мерос қолган
қадриятларимиз авлодларимиз
учун ҳам муқаддас
тушунчаларга айлансин!

“Ўзбектелеком” АҚ “САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси

Ўзбекистон халқига

Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
тиңчлик, оиласиий
хотиржамлик
тилаб қолади.

ДОИМО ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ,
АЖДОДЛАР РУҲИГА ҲУРМАТДА БЎЛАЙЛИК!

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

9 май – Хотира ва Қадрлаш кунида
Ўзбекистон ахолисига
тиңчлик-хотиржамлик тилайди.



ОЗБЕКСТАНДА БОНЧИ НАУЧНИКИВА
ИКОВ ОЮРТИМИЗ ДОИМО ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ
МУСАФФО, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН!

O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSİYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLİKA MARKAZI ЖАМОАСИ

Жонажон юртимида истиқомат қилаётган
барча инсонларга Хотира ва Қадрлаш куни
муносабати билан энг эзгу тилакларини изҳор қилади.



Гўзал инсоний туйғулар қалбларимизни
хеч қачон таркэтмасин!